



"26" Май 2020 йил  
№ 1329к

Фуқаро Бахтиёров Шахзодбек Ғайрат ўғлига  
баликчилик йўналишида фермер хўжалик  
ташқил қилиш учун ижарага ер майдони  
ажратиб бериш тўғрисида

Фуқаро Бахтиёров Шахзодбек Ғайрат ўғлига баликчилик йўналишида фермер хўжалик ташқил қилиш учун ижарага ер майдони олиш бўйича танловда қатнашишга рухсат беришни сўраб ёзган аризасини, тумандаги давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг баёнини ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 53 - моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунларига асосланиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Тумандаги, давлат захирасидаги ерларда фермер хўжалик ташқил қилиш истагини билдирган фуқаролар ва фермер хўжалик раҳбарлари ўртасида танлов ўтказиш туман комиссиясининг танлов натижалари бўйича қабул қилган йиғилиш баёни қарори маъқуллансин.
- 2.Мухомон қишлоғи ҳудудидан танловга қўйилган №25-лойиха бўйича Бахтиёров Шахзодбек Ғайрат ўғли танлов ғолиби деб топилсин ва унга Мухомон қишлоғи ҳудудидан, қишлоқ хўжалик ер харитасининг № 513к, 515, 516, 517-контурлардаги жами 10,4 гектар (шундан бошқа ерлар 10,4 гектар) ер майдони баликчилик йўналишидаги фермер хўжалик ташқил қилиш учун 49 йил муддатга ажратиб берилсин.
- 3.Давлат хизматлари маркази директори (Б.Рўзметов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ташқил этиш учун ҳужжатларни рўйхатга олиш топширилсин.
- 4.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Сабилов)га, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин ажратилган ер участкасини белгиланган тартибда жойни ўзида (натурада) белгилаб бериш, далолатнома асосида топшириш ҳамда ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.
- 5.Фуқаро Бахтиёров Шахзодбек Ғайрат ўғлига баликчилик йўналишида фермер хўжалик ташқил қилиш учун ер майдони ажратилиши муносабати билан банк, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш вазифаси юклатилсин.
- 6.Ушбу қарор халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.
- 7.Ушбу қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.
8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими

Ў.Машарипов